
Бюро фаолиятига бир назар!

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади. Бюро органлар ўзларига юклатилган суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш орқали уларнинг ижросини таъминлаш билан бирга фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинларини тиклашга қаратилган чораларни кўриб боради. Бу борада ўз навбатида Бош прокуратура ва вилоят ҳамда туман(шаҳар) прокуратуралари бу борада кўмак бериб боради.

Бош прокуратура ташаббуси билан Бюро органлари фаолиятини ўрганиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, иш юритувидаги ижро ҳужжатлари ижросини таъминлашдан тортиб жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича 30 май кунидан бошлаб Бош прокуратуранинг 17-бошқармаси, вилоят прокуратураси ва Марғилон шаҳар прокуратураси билан биргаликда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шу жумладан, Бюронинг Марғилон шаҳар бўлими иш юритувидаги алимент ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича 13,5 млн.сўм алимент ундирилиб, ундирувчиларга тегишли пластик ҳисоб рақамларига ўтказилиши таъминланди. 4 нафар ажрашган оилалар яраштирилиб, 5 нафар вояга етмаган болалар ўз оилалари даврасига қайтди. Шу билан бирга, 2 нафар алимент тўловчи қарздорлар ишга жойлаштирилиб, ундирув уларнинг иш ҳақиға қаратилди. Бундан ташқари, кўпдан бери фуқароларни қийнаб келаётган 19 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари мурожаатлари ҳал қилинди ва уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бош прокуратуранинг 17-бошқармаси.

2022-06-02 17:55:31